ЗАҲИРИДДИН
МУҲАММАД БОБУР
НОМИДАГИ АНДИЖОН
ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ANDIJAN STATE
UNIVERSITY NAMED
AFTER ZAKHIRIDDIN
MUKHAMMAD BABUR

ИЛМИЙ ХАБАРНОМА

Серия: Гуманитар тадқиқотлар

SCIENTIFIC BULLETIN

Series: Humanitarian Studies

2020/ №5(49)

Андижон
2020 йил

Муассис:

Zahiriddin Muhammad
Bobur nomidagi
Andijon davlat universiteti

ИЛМИЙ ХАБАРНОМА.
Серия: Гуманитар тадқиқотлар

Журнал бир йилда
8 марта (серия 2 марта)
чоп этилади

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
ҳузуридаги Ахборот ва Оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 2020 йил
17 августда 1097 рақами билан
рўйхатга олинган

Нашр индекси: 344

Нашр учун масъул:
Д.Неъматова

Журнал фалсафа, тарих,
филология, педагогика, кимё ва
биология фанлари бўйича Олий
аттестация комиссиясининг
диссертациялар натижалари юзасидан
илмий мақолалар эълон қилиниши
лозим бўлган нашрлар рўйхатига
киритилган.

Босишга рухсат этилди: 28.08.2020
Қоғоз бичими: 60x84 $^{1}/_{8}$.
Босма табоғи: 13,5.
Офсет босма. Офсет қоғози.
Адади: 110 дона.
Баҳоси келишилган нархда.
Буюртма №:

«Муҳаррир» нашриёти матбаа
бўлимида чоп этилди.

Тошкент шаҳри,
Сўгалли ота кўчаси 7-уй.

Таҳририят манзили:
170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129.
Телефон: +998911602043. Факс: (374) 223-88-30
E-mail: adu_xabarnoma@mail.ru
Расмий сайт: www.xabarnoma.adu.uz

Таҳрир ҳайъати раиси:
Расулов Бахтиёр Махмуджонович – тарих фанлари доктори (Андижон, Ўзбекистон)

Фалсафа
Саифназаров Исмоил Саифназарович – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Иззетова Эмине Мустафаевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Маҳмудова Гули Тилабовна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Юлдашева Фарида Хужамқуловна – фалсафа фанлари доктори, (Андижон, Ўзбекистон)
Когай Евгения Анатольевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Курск, Россия)
Нуришева Гульжихан Жумабаевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Олмота, Қозоғистон)
Шарипова Эркайим Козуевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Ўш, Қирғизистон)

Тарих
Шамсутдинов Рустамбек Темирович – тарих фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Исҳоқов Мирсодиқ Мирсултонович – тарих фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Асқаров Аҳмадали Асқарович – тарих фанлари доктори, ЎзР ФА академиги (Тошкент, Ўзбекистон)
Расулов Абдулла Нуритдинович – тарих фанлари доктори, профессор (Наманган, Ўзбекистон)
Амелин Веналий Владимирович – тарих фанлари доктори, профессор (Оренбург, Россия)
Койгелдиев Мамбет Кулжабаевич – тарих фанлари доктори, профессор (Олмота, Қозоғистон)
Кененсариев Ташманбет Кененсариевич – тарих фанлари доктори, профессор (Бишкек, Қирғизистон)

Адабиётшунослик
Йўлдошев Қозоқбой Бойбекович – педагогика фанлари доктори, профессор (Гулистон, Ўзбекистон)
Тўхлиев Боқижон – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Каримов Баҳодир Нурметович – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Қосимов Абдуғопир Абдукаримович – филология фанлари доктори (Фарғона, Ўзбекистон)
Ҳамдамов Улуғбек Абдуваҳобович - филология фанлари доктори (Тошкент, Ўзбекистон)
Кунафин Гиниятулла Сафиуллович – филология фанлари доктори, профессор (Уфа, Россия)
Ҳусейн Бойдемир – филология фанлари доктори, профессор (Эрзрум, Туркия)
Абдуқодиров Абдусалом – филология фанлари доктори, профессор (Хўжанд, Тожикистон)
Вали Саваш Йелок – филология фанлари доктори (Анқара, Туркия)

Тилшунослик
Маҳмудов Низомиддин Мамадалиевич – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Ҳошимов Ғанижон Мирзаахмедович – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Менглиев Бахтиёр Ражабович – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Шаҳобиддинова Шоҳида Ҳошимовна – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Набиева Дилора Абдулҳамидовна – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Алифриенко Николай Федорович – филология фанлари доктори, профессор (Москва, Россия)
Зулпикаров Капар Зулпикарович – филология фанлари доктори, профессор (Ўш, Қирғизистон)
Бердиалиев Абдували – филология фанлари доктори, профессор (Хўжанд, Тожикистон)
Фатма Очик – филология фанлари доктори, профессор (Анқара, Туркия)

Муҳаррир:
Д.Ҳ.Қуронов, филология фанлари доктори, профессор

МУНДАРИЖА

ФАЛСАФА

М.Н.АБДУЛЛАЕВА, Г.Ғ ҒАФФАРОВА
Муҳаббат муаммоси замонавий фалсафа призмасида 5

Г.Т.МАҲМУДОВА
«Таълимдан – дунёқарашга» ижтимоий тараққиёт парадигмаси 10

А.А.ЭГАМБЕРДИЕВ
Олий таълим трансформациясини тадқиқ этишнинг айрим назарий муаммолари.....17

ТАРИХ

М.Ғ.АБДУЛЛАЕВ
«Бобурнома» асарида хронология ва метрология.....25

Г.Б.НОРМУРОДОВА
Бухоро жадидлари ижтимоий бирдамлик йўлида 33

А.МАМАЖОНОВ
Юртдошларимизнинг Европа ҳудудида фашизмга қарши курашдаги иштироки.....40

Н.Б.КОМИЛОВ
Жадид Обиджон Маҳмудовнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий қарашлари 47

М.Ҳ.ҒОЗИЕВ
Фарғона водийси чорвачилиги тарихидан (XIX аср охири – XX аср бошлари).....55

А.А.АБДУХАЛИМОВ
Фарғона водийси қишлоқларида умумтаълим мактаблари.....61

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Д.Ч.ИГАМУРАТОВА
А.Некрасовнинг «Капитан Врунгелнинг саргузаштлари» қиссасидаги
«гапирувчи» номлар таржимасининг ўзига хосликлари.....68

Н.Х.ШАРАФИДДИНОВА
Ритмо-фонетик фигура компонетлари ва уларнинг ўрни 76

ТИЛШУНОСЛИК

Ш.Х.ШАҲОБИДДИНОВА, Д.Ш.ЭГАМНАЗАРОВА
Гапнинг актуал бўлиниши назарияси тадқиқининг
тарихи ҳамда асосий йўналишлари 84

Н.Д.ШИРИНОВА
Инглиз ва ўзбек тилларида предметлик ва белги-хусусият
маъноларини фарқлашда градуонимик муносабатлар 93

Г.З.РОЗИҚОВА
Маҳмуд Кошғарий «Девон»ида шахс денотатли лексемалар синонимияси.....102

Ў.Ҳ.ИСЛАМОВ
Фасоҳатли нутқни юзага келтирувчи омиллар.....109

Ш.М.СУЛТОНОВА
Диний лексика диний фразеологик бирликларнинг таркибий қисми сифатида.....115

Д.А.РУСТАМОВ
Лисоний қиймат ва мулоқот жараёни.....122

Д.Н.САТИМОВА
Инглиз ва ўзбек тилларида сленг-лексема ва унинг семик таҳлили 130

Н.Р.АМОНТУРДИЕВ
Ўзбек тилининг умумий изоҳли луғатларида этнолексемалар берилишининг қиёсий таҳлили 138

D.A.SOBIROVA
Bolalar she'riyatida alliteratsiya 145

CONTENTS

PHILOSOPHY

M.N.ABDULLAEVA, G.G.GAFFAROVA
The cognitive system of sufism in the prism of modern philosophy 5

G.T.MAKHMUDOVA
From education to worldview is a paradigm of social development 10

A.A.EGAMBERDIEV
Study of some theoretical problems of higher education transformation..... 17

HISTORY

M.G.ABDULLAEV
Chronology and metrology in «Babur-name» 25

G.B.NORMURODOVA
Jadids of Bukhara on the way to social solidarity 33

A.MAMAJONOV
Participation of our countries in the struggle against fascism in Europe 40

N.B.KOMILOV
Socio-political and economic views of jadid Obidjon Makhmudov 47

M.H.GOZIEV
Ferghana valley livestock history (End of the XIXth - beginning of the XXth) 55

A.A.ABDUKHALIMOV
Secondary schools in the villages of the fergana valley 61

LITERARY STUDIES

D.Ch.IGAMURATOVA
Peculiarities of the translation of «speaker» names in A.Nekrasov's story «The adventures of captain Vrungel» 68

N.X.SHARAFIDDINOVA
Components and the place of rhithm-phonetic figures 76

LINGUISTICS

Sh.H.SHAHOBIDDINOVA, D.Sh.EGAMNAZAROVA
History and main directions of the study of the theory of the actual division of the sentence 84

N.D.SHIRINOVA
Gradual relations in demarcation of substance and attributive meanings in english and uzbek languages..... 93

G.Z.ROZIKOVA
Synonymy of lexemes with person denotatum in «Devon» of Mahmud Koshgari 102

O'.H.ISLAMOV
The factors creating eloquent speech 109

SH.M.SULTANOVA
Religious vocabulary as an integral part of religious phraseological units 115

D.A.RUSTAMOV
Language value and the communication process 122

D.N.SATIMOVA
Slang-lexeme and its semantic analysis in uzbek and english..... 130

N.R.AMONTURDIEV
Comparative analysis of the presentation of ethnolexemes in general dictionaries of the uzbek language 138

D.A.SOBIROVA
Alliteration in children's poetry..... 145

УДК 316.42:141.2

МУҲАББАТ МУАММОСИ ЗАМОНАВИЙ ФАЛСАФА ПРИЗМАСИДА

М.Н.Абдуллаева, Г.Ғ Ғаффарова

Мақолада меҳр-муҳаббат муаммоси фалсафий қарашлар нуқтаи назаридан ёритилган. Меҳр-муҳаббат муаммосини тадқиқ қилиш ҳозирги замон дунёсида муҳим аҳамият касб этади. Мазкур объектни турли аспектда – этик, ижтимоий-маданий, маданий-тарихий, эстетик, ахлоқий ҳамда онтологик нуқтаи назардан тадқиқ этиш мумкин. Мақолада замонавий фалсафий қарашлар призмасига жалб қилинган муҳаббат муаммоси таҳлил этилган.

Калит сўзлар: *муҳаббат, сўфийлик, инсон билиш тизимлари, ҳаракат, шахс концепциялари, тузилиш.*

В статье рассматривается проблема любви с точки зрения философских учений. Изучение данной проблемы приобретает актуальность в современных условиях. Известно, что данный объект можно исследовать с точки зрения различных методологических установок, подходов, таких, как этический, социальный, культурный, нравственный, культурно-исторический, онтологический. Заострено внимание на проблеме любви в системе знаний, привлекающей нас через призму современных философских взглядов на мир.

Ключевые слова: *любовь, суфизм, познавательная система человека, действие, концепция личности, структура.*

Дунёни билиш жараёнида инсон аниқ методологик ёндашувлар асосида билишнинг муайян усулларига таянади. Илм-фаннинг ривожланиш тарихидан, унинг концепцияларидан билиш прагматикасидаги барча фарқлар, ижтимоий-маданий ва тарихий шарт-шароитлар учун «ўзаро боғлиқ муаммолар» деб номланган – илмий соҳаларнинг турли контекстларида «муҳим» ядрони ушлаб турадиган, аммо қабул қиладиган ҳолатлар мавжуд ўзгарувчан талқинлардир. Буларга «севги» тушунчаси билан боғлиқ бўлган ўзгаришлар тизими ҳам киради.

*Муҳаббат*ни онтологик нуқтаи назардан тушуниш уни борлиқнинг субстанционал асоси сифатида кўришда намоён бўлади. *Меҳр-муҳаббат*нинг ижтимоий функцияси инсон экзистенциал борлиғини кенгайтиришга, ўзгартиришга қодир.

Муҳаббат муаммоси илк бор қадимги юнон файласуфлари асарларида бир бутунлик ва ўзўзидан ҳаракат қилишни таъминловчи мавжудликнинг асоси сифатида кўриб чиқилган [1. Б. 10]. Абу Али Ибн Сино ўзининг «Муҳаббат тўғрисидаги рисола»сида муҳаббатни истисносиз барча нарсаларга (жонсиз оддий субстанциялардан илоҳий руҳгача) хос, яратувчи ва барча яралган нарсаларни бирлаштирувчи субстанция сифатида кўриб чиққан. Ибн Сино таъкидлаганидек, «ҳар бир (олий тамойил билан) бошқариладиган нарсанинг борлиғи туғма меҳр-муҳаббат билан белгиланади». Албатта, ҳар бир субстанцияни мукаммалликка олиб борувчи ўзининг йўли бор, «мавжуд нарсаларнинг ҳар бири ўзининг баркамоллигига нисбатан ҳам муҳаббат ҳис қилади» [2. Б. 701], муҳаббатнинг умумий танлови ўзаро таъсирнинг ўзгаришига олиб келади, ўхшашлик касб этади.

А.Эйнштейннинг «Худо тўғрисида махфий хат»ида муҳаббат коинотга хос куч сифатида кўриб чиқилган. Муҳаббат ҳаёт асосининг негизи, квинтэссенциясидир. Олим қайд этганидек, «ҳар бир алоҳида индивидуумда у қадар катта бўлмаган, лекин қудратли меҳр-муҳаббат генератори мавжуд, унинг энергияси озод бўлишни кутиб туради» [3]. Дарҳақиқат, муҳаббат векторининг ҳар томонлама йўналганлиги инсон онгида ҳам, унинг кундалик ҳаётида ҳам ижобий жиҳатнинг ортишига олиб келади.

Сўфийлар концепциясида муҳаббат инсон фаолиятини ҳаракатчан қилувчи ва мақсадга йўналтирувчи детерминанта сифатида ифодаланган. Сўфийларнинг шахс ички тузилиши, трасцендентлиги, ҳаётнинг ўзаро боғлиқлиги ва билимларнинг ўзгаришига оид ғоялари У.Матурана ва Ф.Вареланинг замонавий концепциясидаги қарашларга ҳамоҳангдир.

Айтиш керакки, сўфийлик инсон интеллектуал қобилиятларининг кўп жиҳатларда, мураккаб, хилма-хил намоён бўлишидир. Шунга кўра сўфийлик таълимотининг ривожланиш тарихи катта қизиқиш туғдиради. Бунинг сабабларидан бири «сўфийлик муайян нарсаларни тузатиш учун мўлжалланган, ўтмишда илдиз отган, лекин замонавий жамиятга қўлланилиши мумкин бўлган транс-

цендентал фалсафа» эканлиги билан тушунтириш мумкин. «Сўфийлик» тушунчасининг кўплаб талқинлари мавжуд. Идрис Шоҳ сўфийлар таълимотларини таҳлил қилган ҳолда, ушбу тушунчага ўзининг талқинини беради: «унинг биттаю битта тўғри талқини шундан иборатки, бу сўзнинг таркибида шифрланган муҳаббат концепцияси бор» [4. Б. 52].

Сўфийлар талқинида муҳаббат нафақат лазгатланиш, балки ҳаракатчан, динамик бўлиб, кўп векторли ҳаракатни билдиради. Муҳаббат ҳар доим бирлаштиради ва мақсадга йўналган бўлади. Сўфийликка оид адабиётларда худога бўлган муҳаббат уни билишнинг шарти эканлиги таъкидланади. У ташқи олам билан бўлган кўп вариантли ўзаро муносабатда шахс ҳаракатлари фаоллашишининг сабаби ҳисобланади. Мазкур концепцияда бошқа бир нарса эмас, айнан муҳаббат шахснинг кундалик ҳаётида ҳам, шеъриятда ҳам, ишга бўлган муносабатда ҳам фаоллигини кучайтирадиган катализатордир.

Идрис Шоҳ фикрича, «сўфийлик жамиятнинг алоҳида қисми учун мўлжалланган эмас, чунки бундай қисмнинг ўзи йўқ, балки инсонларда яширинган муайян қобилият учун мўлжалланган. Одамлар ушбу қобилиятни фаоллаштирмаган жойда сўфийлик мавжуд бўлмайди» [4. Б. 41]. Демак, сўфийлар назарида муҳаббат инсон фаолиятини ҳаракатга келтирувчи, уни ҳаракатчан, мақсадга йўналтирувчи детерминантадир. Ушбу ўзаро таъсир шахс сифатини белгилайди. Шахсни фаоллаштириш учун ўзаро таъсир омилидан фойдаланилади. «Сўфийлар ҳар бир инсонда қандайдир бир элемент яширинган, уни муҳаббат орқали фаоллаштириш мумкин ва у инсонга ҳақиқий воқеликка эришишга ёрдам беришига ишонадилар» [4. Б. 42].

Бунга мувофиқ равишда, воқеликни билишда билиш усуллари, методологик нуқтаи назарлар ҳам хилма-хилдир. Сўфийлар тушунишида воқелик таркибида «ҳам «қатъий» ва «юмшоқ» воқелик, ҳам қовушмаганлик ва уйғунлик, ҳам уйғонишнинг ёркин ёруғлиги ва интилишнинг юмшоқ қоронғилиги бор» [4. Б. 42]. Бу мураккаб, ночизиқли олам, унда бир-бирини истисно қилувчи олам характеристикалари биргаликда мавжуд. Ушбу мураккаб воқелик қарама-қаршиликлардан таркиб топган. Мазкур воқеликни сўфийларнинг алоҳида билиш усуллари воситасида билиш мумкин, у бир-бирини тўлдирувчи зиддиятлардан иборат, улар бир бутунликнинг мураккаб тузилишини шакллантиради.

Сўфийларга хос бир фикр қизиқарлидир, яъни инсон тушуниш-тушунмаслигидан қатъий назар, ҳаракат қилиши шарт, бу жараёнда у сўфийларнинг «сиз яшамоқдамисиз, демак, сиз ўрганмоқдасиз» деган тезисини ривожлантиради. Замонавий методология тезисида «ҳар қандай ҳаракат – билишдир, ҳар қандай билиш – ҳаракатдир» [5. Б. 81], деб таъкидланади.

Инсон оламни билиш жараёнида методологик ёндашувлардан фойдаланган ҳолда билишнинг муайян усулларини конструкциялайди. Фан, унинг тушунчалари ривожланиши тарихидан келиб чиқиб, таъкидлаш мумкинки, билиш прагматикасидаги фарқлар, ижтимоий-маданий ва тарихий шартланганлик бўлганига қарамасдан, «асосий (тугун) нуқта» (Е.Князева), «кесишган (барча фанларга тегишли) муаммо» (Л.Микешина), «муаммо» (В.Вернадский) кабилар, яъни «илмий соҳалар турли контекстларида мазмундор «негизини» сақлайдиган, лекин турлича талқин қилинадиган» [6. Б. 145] вазиятлар мавжуд. Бунга «муҳаббат» тушунчаси билан боғлиқ бўлган ўзгаришлар тизими ҳам киради.

Асрлар давомида инсон яшайдиган ва фаолиятини амалга оширадиган илмий, ижтимоий, маданий муҳит ўзгариб боради, лекин муҳаббат муаммоси, унинг кўп қиррали тушунилиши яна ва яна қайтиб келувчи муаммо ҳисобланади.

Мумкин бўлган кўплаб ўзаро таъсир имкониятларидан объектнинг ўзгаришига фақат бир танлаб борувчи йўл рўёбга чиқади. Ўзгаришга олиб келадиган ўзаро таъсир, яъни жавоб реакциясига олиб келувчи ўзаро таъсир асоси бу ўхшашликдир (аналогиядир). «...оқил руҳ ўзига ўхшаган (бошқа) оқил руҳга ўз ўхшашлигини, яъни ақл орқали билинадиган шаклни узатган ҳолдагина таъсир қилади» [2. Б. 721].

Турли даражаларда аналог ҳар хил намоён бўлади. Ҳар бир даража фақат унга хос бўлган хусусиятларга эга. Абу Али Ибн Сино концепциясида муҳаббат борлиқ субстрати, баркамоллик детерминантидир. У баркамолликка интилишнинг ривожланишига имкон беради. Нарсалар ўртасидаги танлаб амалга ошириладиган ўзаро таъсир мос келишга асосланган, аналогиялар уларнинг ифодасидир.

Қувват сифатида муҳаббат Коинотнинг қудратли кучидир. У Коинотда содир бўладиган барча ҳодисаларни қамраб олади, бошқаради ва бирлаштиради, яшашдан мақсадни очиб беради, яхшини орттириб боради. Муҳаббатнинг бундай талқини А.Эйнштейннинг қарашларида ўз аксини топган. А.Эйнштейн ўзининг «Худо тўғрисида махфий хат» [3]ида коинотда қудратли куч мавжудлиги, фан унинг расмий талқинини ҳали топмаганлигини таъкидлайди. Бу куч коинотдаги барча ҳодисаларни ўз ичига олади ва уларни бошқаради. Коинотга бу хос куч – муҳаббатдир.

А.Эйнштейн талқинида муҳаббат бу – ёруғлик, у уни қабул қилувчилар ва тарқатувчиларни

маърифатга етказади. Муҳаббат ўзига тортиш хусусиятига эга, зотан, у баъзи одамларда бошқа одамларга интилишни уйғотади. Муҳаббат инсондаги эзгу хислатларни зиёда қилади ва инсониятга кўр-кўрона худбинликка чўкмаслик имконини беради. Инсон муҳаббат учун яшайди ва у учун жонини фидо қилади. Муҳаббат бу – Худо, Худо бу – муҳаббат, бу куч ҳамма нарсани тушунтириб бера олади ва ҳаётга мазмун бахш этади. У инсон жуда узоқ вақт назари илмай келган ўзгарувчан миқдор бўлиб, А.Эйншейн ўз қарашларида, «эҳтимол, биз Муҳаббатдан қўрққандирмиз», дея хулоса қилади [3].

Кўп йўналишга эга муҳаббат вектори кучининг оқибати инсон онгида ҳам, кундалик ҳаётида ҳам ижобийнинг ортишидир. Фақат муҳаббат орқали инсон ҳаёт маъносини топиши, тинчликни сақлаши мумкин ва ҳар бир оқил ёки ҳис қилувчи мавжудот тамаддуннинг тирик қолишига ёрдам бериши лозим. Эҳтимол, инсон «муҳаббат бомбасини» яратишга тайёр эмасдир, у сайёрани харобага айлантирувчи нафрат, тубанлик ва хасисликни бутунлай йўқ қила оладиган етарли даражада кучли мослама. Шунга қарамасдан, ҳар бир алоҳида олинган инсонда катта бўлмаган, лекин қудратли муҳаббат генератори бор, унинг қуввати озодликка чиқишни кутиб турибди. Инсон ушбу универсум қувватини олиш ва қайтариб беришни ўрганганида, муҳаббат барчани енга олишини тасдиқлайди, у ҳамма нарсани енга олади, чунки муҳаббат – ҳаёт квинтэссенциясидир [3].

Муҳаббат – ҳаёт асосининг негизи. А.Эйнштейн концепциясида ҳам муҳаббатнинг ахлоқий, этик, онтологик жиҳатлари кўриб чиқилган. Муҳаббатнинг кўп функционал тизими ривожланишни таъминлайди, ҳаракатни детерминация қилади, ушбу ривожланишда пайдо бўладиган тўсиқларни енгади.

Замонавий аутопоэзис концепциясида муҳаббат ижтимоий ривожланиш асоси сифатида кўрилади. «Муҳаббатсиз, бизларда бошқа тирик мавжудотларни қабул қилмай туриб, ижтимоий тараққиёт жараёни мумкин эмас …биологик жиҳатдан, муҳаббатсиз, бошқаларни қабул қилмасдан ижтимоийлик ҳодисаси мумкин эмас» [5. Б. 81].

Доимий зиддиятлар пайдо бўладиган, ноаниқликлар ортиб бораётган, динамикаси олдиндан башорат қилинмаган, тасодифий таъсирлар ошиб бораётган замонавий жамиятда муҳаббат функциялари муҳим аҳамият касб этади. Инсонпарварлик, дўстлик, кураш, ишонч, бирдамлик, диалог, бағрикенглик, нафрат каби тушунчалар субъектлар ўзаро таъсирларининг асосини ташкил қилади, улар одамлар ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштиради, белгилаб беради. Ушбу ўзаро муносабатларнинг мураккаб тизимида муҳаббатнинг онтологик моҳияти ўзига мос бўлган тушунчаларда ифодаланиши керак. Масалан, толерантлик тушунчасининг кўп сонли талқинларидан мақтовга сазовори шу бўладики, у «самимий хайрихоҳликка ёки инсоннинг баркамол эмаслигини тушунишга асосланганда, энг ярамас жиноятларни содир этиб, жавоб бераётганларга ҳам андиша билан муносабатда бўлишни тақозо қилади ҳамда мурувват ва раҳмдиллик деб номланади, ушбу хислат ҳақиқатан аълодир...» [7. Б. 511; 8. Б. 301].

Ана шуларга асосланган ўзаро таъсирлар ҳам инсонлар ўртасидаги, ҳам давлатлар ўртасидаги ишонч ва тенгликка асосланган муносабатлар негизини ташкил қилади. Ўзаро муносабатлар жараёнида тизимда тузилишга оид ўзгаришлар содир бўлиши мумкин, улар тизимни миқдор ва сифат жиҳатдан ўзгартириши мумкин. Янги тузилишларнинг шаклланиши ва амал қилиши тизимнинг мосланувчанлик имкониятлари билан боғлиқ. Янги тузилишларнинг пайдо бўлиши тизимга ўзгариб бораётган атроф-муҳитга мослашиш имконини беради, бу тизимнинг эволюцияси ҳисобланади. Тизимнинг сифат жиҳатдан ўзгаришига олиб келувчи тузилишларнинг ўзгариши, янгисининг пайдо бўлиши ҳам жонсиз, ҳам жонли ва ҳам ментал соҳалар учун умумий қонуниятдир.

Умуман олганда, муҳаббатга асосланган муносабатлар муаммоси ижтимоий ривожланиш, конструктив сўзлашув (диалог), ўзаро тушуниш учун шарт-шароитлар яратади ва инсоният цивилизацияси ривожланишининг фундаментал асосини ташкил қилади. Муҳаббат муаммосини ўрганиш оламнинг замонавий тушунилишига ҳамоҳанг бўлган қизиқарли трансцендентал асосларни аниқлаш имконини беради. Ҳозирги давр дунёсида улар кенгроқ, фарқланган, даражаланган ҳолда ва чуқур талқин қилинади. Албатта, муҳаббат ташкил қилган ўзаро муносабатлар, ўзаро таъсирлар муҳаббат функциялари ва имкониятларини оширади. Муҳаббат тушунчасига асосланган одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар муаммоси ўзаро таъсирнинг ундовчи мотивларига муайян тузилишни белгилаб беради. Муҳаббат инсоннинг бошқа бировга ёки нарсага муносабатини акс эттиради ҳамда уюштирувчи, бирлаштирувчи куч бўлиб хизмат қилади. Ҳозирги мураккаб замонда ҳам инсонлар ўртасида, ҳам давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда муҳаббат эзгуликни, олий гуманистик қадриятни ифодалайди.

Адабиётлар:

1. *Попова О.А.* Любовь как организующее начало бытие: Автореф. дисс. канд.филос.наук. – Саратов, 2013. – 17 с.
2. *Абу Али Ибн Сина.* Авиценна. Соч.е. Т.2. – Душанбе: Дониш, 2005. – 841 с.
3. Тайном письме о Боге Альберта Эйнштейна._[Интернет ресурс]. Режим доступа: URL: // https:gcshelp.org/ru/novosti/taynoe_pisjmo_o_boge_aljrta_eynshteyna.html (Дата обращения: 15.04.2020)
4. *Идрис Шах.* Суфизм. – Москва: Клышников, Комаров и Ко, 1994. – 446 с.
5. *Матурана У., Варела Ф.* Древо познания: биологические корни человеческого понимания. – Москва: Прогресс-Традиция, 2001. – 224 с.
6. *Микешина Л.* Диалог когнитивных практик / Из истории эпистемологии и философии наук. – Москва: РОССПЭН, 2010. – 575 с.
7. *Соловьев В.С.* Чтения о богочеловечестве. Сочинения в двух томах. Т.2. – Москва: Издательство Правда, 1989. – 735 с.
8. *Ищенко Ю.* Толерантность в дискурсе трансдисциплинарности // Трансдисциплинарность в философии и науки. Подходы, проблемы, перспективы. / Ред. В. Бажанов, Р. Шольц. – Москва: Навигатор, 2015. – 564 с.

THE COGNITIVE SYSTEM OF SUFISM IN THE PRISM OF MODERN PHILOSOPHY

M.N.Abdullaeva[1], G.G.Gaffarova[2]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Humanitarian Studies. 2020. 5(49). 5 – 9.
[1]National University of Uzbekistan, Tashkent, 100170, str. University, 4 (Uzbekistan). E-mail: devonxona@nuu.uz

Keywords: *love, Sufism, philosophy, society, ideas, cognitive systems, human, cognition, action, concepts, personalities, structures, changing, systems.*

The article highlights one of the 'through issues' which has always been the subject of research. This is the problem of love, the study of which is especially important in the modern world. It is known that this object can be investigated from the point of view of various methodological settings, approaches, such as ethical, social, cultural, moral, cultural-historical, ontological.

The ontological understanding of love is manifested in the fact that love is seen as the substantial basis of being.

The social function of love is able to transform the existential being of a person.

For the first time, the problem of love was considered in the works of ancient Greek philosophers as the basis of everything that ensures its integrity and self-movement. In the 'Treatise on love', Abu Ali Ibn Sina consideres love as a substance that is inherent in all things without exception (from inanimate simple substances to the divine soul), uniting both the creator and his creation.

Each substance has its own path to perfection, 'each of the existing things experiences natural love and its perfection' (Abu Ali Ibn Sina) and the generally selective choice of love leads to a change in interaction is an analogy.

In Einstein's 'Secret letter on God', love is seen as a cosmic force. Love is the foundation, the quintessence of life. The consequence of the multilateral directed force of the vector of love is an increase in the positive, positive both in the consciousness of man and in his daily life.

In the concept of Sufis, love is a determinant that activates the activity of a person, making him/her dynamic, purposeful. Sufi ideas on the internal structure of personality, transdentality, the relationship of life and the transformation of knowledge, etc. consonant with the ideas of the modern concept of U. Maturan and F. Warell.

The problem of love was first considered in the works of the ancient Greek philosophers as the basis of existence, which leades for unity and self-action. Abu Ali Ibn Sina, in his Treatise on Love, regarded love as a substance peculiar to all things without exception (from inanimate ordinary substances to the divine spirit), creative and uniting all created things.

A. In Einstein's Secret Letter on God, love is seen as a cosmic force. Love is the basis of life, the quintessence. Indeed, the consequence of the all-round orientation of the vector of love is the increase of the positive both in the human mind and in his daily life.

In the Sufi concept, love is expressed as a

determinant that activates human activity, motivates it, and directs it to a goal. Sufism is the manifestation of human intellectual abilities in many ways, complex, diverse. We would like to draw your attention to some ideas in the system of knowledge that have captured our attention through the prism of modern philosophical vision of the world.

In the Sufi interpretation, love is not just a pleasure, but it is a moving, dynamic, multi-vector movement. Love always unites and is purposeful.

References:

1. Popova, O.A. (2013) Lyubov' kak organizuyushchee nachalo bytie [Love as an organizing principle of being]. Abstract of dissertation candidate of philosophical sciences. Saratov.

2. Abu Ali Ibn Sina. (2005) *Avicenna* [Avicenna]. Vol.2. Dushanbe: Donish.

3. Taynom pis'me o Boge Al'berta Ejnshtejna. [Online]. URL: //https:gcshelp.org/ru/novosti/taynoe_pisjmo_o_boge_aljrta_eynshteyna.html (Date of Access: 15.04.2020)

4. Idris, Shah. (1994) *Sufizm* [Sufism] Moscow: Klyshnikov, Komarov i Ko.

5. Maturana, U., Varela, F. (2001) *Drevo poznaniya: biologicheskie korni chelovecheskogo ponimaniya* [The tree of knowledge: biological roots of human understanding]. Moscow: Progress-Tradiciya.

6. Mikeshina, L. (2010) *Dialog kognitivnyh praktik* [Dialogue of cognitive practices]. /Iz istorii epistemologii i filosofii nauk [From the history of epistemology and philosophy of sciences]. Moscow: ROSSPEN.

7. Soloviev, V.S. (1989) *Chteniya o bogochelovechestve* [Readings about God-manhood]. Works in two volumes. Vol.2. Moscow: Izdatel'stvo Pravda.

8. Ishchenko, Y.U. (2015) *Tolerantnost' v diskurse transdisciplinarnosti* [Tolerance in the discourse of transdisciplinarity]. Transdisciplinarnost' v filosofii i nauki. Podhody, problemy, perspektivy [Transdisciplinarity in philosophy and science. Approaches, problems, prospects]. Moscow: Navigator.

Муаллифлар ҳақида маълумот:

АБДУЛЛАЕВА Маҳбуба Нуруллаевна – фалсафа фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий университети профессори.

ҒАФФАРОВА Гулчеҳра Ғуламжановна – фалсафа фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий университети профессори. E-mail: gulchehra_3@mail.ru